

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

\_\_\_\_\_ куни \_\_\_\_\_ жиноят ишлари бўйича \_\_\_\_\_ суди ўз биносида, очик суд мажлисида, шу суднинг судьяси Д.Н.нинг раислигида, судья ёрдамчиси Д.Б. ва Н.Х.ларнинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси \_\_\_\_\_ прокурори ёрдамчиси Ш.И., жабрланувчи У.Х., жабрланувчининг қонуний вакили Р.М., судланувчи Б.С. ва унинг ҳимоячи адвокат А.Я.нинг иштирокида, судланувчи С.Б.Ю.га нисбатан бўлган \_\_\_\_\_ жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара ҳамда судланувчининг охириги сўзларини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Б.С. такроран жиноят содир қилиш йўлига кириб, ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида ўзининг умумий қасди билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи давомли жиноий ҳаракатлари билан \_\_\_\_\_ куни соат 14:00 ларда У.Х.га тегишли бўлган \_\_\_\_\_ танишлари билан биргаликда спиртли ичимлик истеъмол қилиб, таниши У.Х. ва Р.М.лар ухлаб қолганлигидан фойдаланиб, шу ерда турган У.Х.га тегишли бўлган бозорда сотилиш баҳоси \_\_\_\_\_ бўлган \_\_\_\_\_, Р.М.га тегишли бўлган бозорда сотилиш баҳоси \_\_\_\_\_ аппаратини яширин равишда талон-торож қилиб, воқеа жойидан яширинган.

Судланувчи Б.С. судда, айбига қисман иқрорлик билдириб, у \_\_\_\_\_ куни эрталаб яшаш уйидан чиқиб бораётган вақтида қўшниси У.Х.ни кўрганлигини, У.Х. унга \_\_\_\_\_ қилиш таклифини берганлигини, у У.Х.ни гапига рози бўлганлигини, шундан кейин у У.Х. билан бирга шу ердаги \_\_\_\_\_ дўконига бориб, спиртли ичимликни сотиб олганлигини, шундан сўнг, у У.Х. билан биргаликда ушбу \_\_\_\_\_ қилиб бўлганидан кейин яна У.Х. билан биргаликда унинг яшаш уйига бориб, уни яшаш уйидан қандайдир нарсани олиб чиқиб сотиб, уни пулига \_\_\_\_\_ қилиб, яшаш уйига келаётган вақтида унга кейинчалик исми маълум бўлган Р.М. қаергадир пиёда кетганлигини кўришганлигини, ушбу вақтда У.Х. Р.М.га спиртли ичимлик сотиб олиб келишини ва ушбу \_\_\_\_\_ кни биргаликда уни яшаш уйида истеъмол қилишликни айтган вақтида Р.М. уни гапига рози бўлиб, дўкондан 1 литр ҳажмга эга бўлган \_\_\_\_\_ сотиб олиб чиққанлигини, шундан кейин, у У.Х. ва Р.М.лар билан биргаликда У.Х.ни яшаш уйига боришганликларини ҳамда у ерда У.Х., Р.М. билан биргаликда ушбу \_\_\_\_\_ қилишганликларини, аммо яна спиртли



ичимлик истеъмол қилишлик режасини тузиб, У.Х. ўзининг [REDACTED] берганлигини, Р.М. эса ўзининг [REDACTED] берганлигини, шунга асосан у [REDACTED] олиб келиши кераклигини, ушбу [REDACTED] улар ўзлари беришганлигини билдириб кўрсатув берди.

Суд мажлисида судланувчи Б.С. айбига қисман иқдорлик билдириб кўрсатув берган бўлса-да, унинг жиноят содир этишда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 463-моддасига мувофиқ айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида текширилган қуйидаги мақбул далиллар, жабрланувчи ва гувоҳларнинг берган кўрсатувлари билан тасдиқланади.

Жумладан, жабрланувчининг қонуний вакили Р.М. судда, Р.М. унинг ўғли эканлигини, ўғли Р.М. бир неча йиллардан буён турмуш ўртоғи Н.Н. билан бирга [REDACTED] бориб ишлаб юрганлигини, [REDACTED] ойининг ўрталарида ўғли Р.М. [REDACTED] авлатидан уйга келганлигини, ўғли Р.М. [REDACTED] куни соат тахминан 12:00 ларда [REDACTED] бозорига бориб келаман деб, ундан [REDACTED] олиб уйдан чиқиб кетганлигини, шу куни ўғли соат 15:00 ларда уйга маст ҳолда кириб келганлигини, кейин ўғли Р.М. унга таниши У.Хни уйда меҳмон бўлиб ўтирганида уни [REDACTED] қилишганлигини, шунда уларни ёнида ўтирган Б.С. стол устида қўйган унинг [REDACTED] ўғирлаб жойидан олиб кетганлигини, ўзи [REDACTED] Б.С.га бермаганлигини айтганлигини, шундан сўнг у [REDACTED] ички ишларга қўнғироқ қилиб, телефони ўғирланганлигини айтганлигини, ҳозирда [REDACTED] қайтариб олганлигини билдириб кўрсатув берди.

Жабрланувчи У.Х. судда, [REDACTED] куни кўшниси Б.С. ва Р.М.лар биргаликда учалалари унинг уйда ўтириб [REDACTED] қилишганликларини, унинг долонида бирга ўтиришганликларини, ўзи ва Р.М. иккалалари маст бўлиб ухлаб қолишганликларини, шу пайт кўшниси Б.С. улар уйда ухлаб қолганидан фойдланиб унинг долонида турган “ [REDACTED] хамда Р.М.ни [REDACTED] стол устида турган жойидан уларга айтмасдан ўғирлаб олиб кетганлигини, у Б.С.га ароқ олиб келиш учун [REDACTED] бермаганлигини, у [REDACTED] йўқолган деб кидирганлигини, суриштириб кўрганлигини, лекин топиб билмаганлигини, кейин ички ишларга мурожаат қилганлигини, ҳозирда [REDACTED] қайтариб олганлигини, Б.С.га нисбатан даъвоси йўқлигини, унга қонунга мувофиқ жазолашни сўради.

Гувоҳ С.С. судда, [REDACTED] куни соат 16-30 ларда у [REDACTED] стоянкасида киракашлик билан шуғулланиб турганида, унинг ёнига [REDACTED] бир нотаниш йигит келганлигини, уни қўлида [REDACTED] хам борлигини кўрганлигини, у йигит унга [REDACTED] сотмоқчи эканлигини айтганлигини, у ундан исминг ким деб сўраганида [REDACTED] эканлигини айтганлигини, шундан сўнг Б.С.дан [REDACTED] сотасанми” деб айтганлигини, шунда Б.С. унга [REDACTED]



\_\_\_\_\_ сотишини айтганлигини, у Б.С. билан ўзаро келишиб унга \_\_\_\_\_ берганлигини, шунда у Б.С.дан \_\_\_\_\_ кимники” деб сўраганлигини, Б.С. “ўзимники” деб айтганлигини, шундан сўнг Б.С. унга берган уяли телефонига кўнғирок бўлганлигини, у телефонни олиб гаплашганда бир нотаниш аёл ушбу телефон аппарати уники эканлигини, ўғли телефонни олиб юриганида уни телефонини бир шахс ўғлига билдирмасдан олиб кетганлигини, яъни телефон ўғирланганлигини айтганлигини, кейин у дарҳол ҳалиги Б.С.ни ҳеч қаерга юбормасдан унга берган \_\_\_\_\_ м пулларини қайтариб олиб, ўзи \_\_\_\_\_ ички ишлар бўлимига кўнғирок қилиб, бу ҳақда айтганлигини, кейин \_\_\_\_\_ ИИБ ходимлари уни ёнига етиб келишганлигини ҳамда Б.С.ни ушлашганликларини ва уни олиб келган уяли телефон аппарати ва велосипедини олиб \_\_\_\_\_ ИИБга олиб кетишганликларини билдириб кўрсатув берди.

Суд судланувчи, жабрланувчилар ҳамда гувоҳларнинг суд жараёнида берган кўрсатувлари Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ иш ҳолатларига мос келади деб ҳисоблайди ва суд жараёнида тарафлардан далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда руҳсат берилмаган усуллар қўлланилганлиги тўғрисида мурожаатлар қилинмаганлигини инобатга олиб, юқорида келтирилган далилларни, далилларни олиш билан боғлиқ ҳаракатларни ўтказишга оид қоида ва тартибга риоя қилинган ҳолда олинганлиги ва улар иш ҳолатларига тўғри келганлиги учун уларни ҳақиқий деб, судланувчи Б.С.нинг жиноий ҳаракатларини баҳолашда етарли ва мақбул далил деб ҳисоблайди.

Пировардида суд, суд жараёнида жабрланувчи, гувоҳ ва судланувчидан ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахслардан зўрлаш, кўрқитиш, ҳуқуқларини чеклаш ва қонунга хилоф бўлган ўзгача чоралар билан кўрсатувлар олинишига ҳаракат қилинганлигини тасдиқловчи далиллар келтирилмаганлиги сабабли ишдаги ҳар бир далилни ишга алоқадор ва ишончли деб баҳолайди.

Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, ҳимоячи адвокат фикрини, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчи Б.С.нинг жиноят содир этганликдаги айби, нарсани кўздан кечириш ва олиш тўғрисидаги баённома, нарсани таниб олиш учун кўрсатиш баённомаси ва унга илова қилинган суратлар, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ва жиноят ишига қўшиб қўйиш қарори ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа ёзма далиллар билан тўлиқ исботланган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Б.С.нинг “У.Х. ўзининг \_\_\_\_\_ берганлигини, Р.М. эса ўзининг \_\_\_\_\_ берганлигини, шунга асосан у велосипед билан бориб ароқ олиб келиши кераклигини, ушбу \_\_\_\_\_ улар ўзлари беришганлигини” ҳақида келтирган важларини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддасига асосланган ҳолда қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилиб, ўзининг ички ишончи бўйича ҳуқуқий баҳо берар экан, унинг мазкур кўрсатувларини ишончга сазовор эмас ва ишнинг ҳақиқий ҳолатига тўғри келмайди деб шунингдек,



бундай кўрсатувини, ўз аҳволини енгиллаштириш ва жиноий қилмишига яраша муқаррар жавобгарликдан қутулиш ниятида берилган кўрсатуви деб танқидий баҳолашни ва жиноят ишини дастлабки тергови жараёнида тўпланган далиллар, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувлари ҳамда суд муҳокамаси жараёнида текширилган бошқа далиллар билан рад қилишни лозим топади.

Чунки, жабрланувчи У.Х. судда, “... ўзи ва Р.М. иккалалари маст бўлиб ухлаб қолишганликларини, шу пайт қўшниси Б.С. улар уйда ухлаб қолганидан фойдланиб унинг долонида турган “ [REDACTED] стол устида турган жойидан уларга айтмасдан ўғирлаб олиб кетганлигини, у Б.С.га ароқ олиб келиш учун велосипедини бермаганлигини, у велосипедини йўқолган деб қидирганлигини, суриштириб кўрганлигини, лекин топиб билмаганлигини, кейин ички ишларга мурожаат қилганлигини..” билдириб кўрсатув берди.

Шунингдек, жабрланувчининг қонуний вакили Р.М. судда “...ўғли Р.М. [REDACTED] куни соат тахминан 12:00 ларда [REDACTED] кон бозорига бориб келаман деб, ундан [REDACTED] пул олиб уйдан чиқиб кетганлигини, шу куни ўғли соат 15:00 ларда уйига маст ҳолда кириб келганлигини, кейин ўғли Р.М. унга таниши У.Хни уйда меҳмон бўлиб ўтирганида уни уйда спиртлик ичимлик истеъмол қилишганлигини, шунда уларни ёнида ўтирган Б.С. стол устида қўйган унинг [REDACTED] ўғирлаб жойидан олиб кетганлигини, ўзи телефонни Б.С.га бермаганлигини айтганлигини, шундан сўнг у [REDACTED] ички ишларга қўнғироқ қилиб, телефони ўғирланганлигини айтганлигини...” билдириб кўрсатув берди.

Бундан ташқари, дастлабки тергов жараёнида Р.М. “... [REDACTED] оптим дўконга кириб 2 литр ароқ олиб [REDACTED] уйига мен, кейин билсам [REDACTED] билан ўтириб ичдик, кейин мени маст бўлиб қолиб уйга кетдим, орадан қанча вақт ўтганини билмайман, ИИБдан қўнғироқ бўлганлигини онам айтди, мени мастлигимдан фойдаланиб [REDACTED] исмли бола қўл телефонимни ўғирлаб кетиб сотмоқчи бўлиб турганида қўлга тушганлигини..” билдириб тушунтириш хати ёзиб берган.

Гувоҳ С.С. судда, “.... [REDACTED] куни соат 16-30 ларда у [REDACTED] стоянкасида қиракашлик билан шуғулланиб турганида, унинг ёнига [REDACTED] бир нотаниш йигит келганлигини, уни қўлида [REDACTED] ҳам борлигини кўрганлигини, у йигит унга [REDACTED] сотмоқчи эканлигини айтганлигини, у ундан исминг ким деб сўраганида [REDACTED] эканлигини айтганлигини, шундан сўнг Б.С.дан “ [REDACTED] сотасанми” деб айтганлигини, шунда Б.С. унга велосипед ва телефон аппаратини [REDACTED] сотишини айтганлигини, у Б.С. билан ўзаро келишиб унга [REDACTED] пул берганлигини, шунда у Б.С.дан “ [REDACTED] кимники” деб сўраганлигини, Б.С. “ўзимники” деб айтганлигини, шундан сўнг Б.С. унга берган уяли телефонига қўнғироқ бўлганлигини, у телефонни олиб гаплашганда бир нотаниш аёл ушбу телефон



аппарати уники эканлигини, ўғли телефонни олиб юриганида уни телефонини бир шахс ўғлига билдирмасдан олиб кетганлигини, яъни телефон ўғирланганлигини айтганлигини.....” билдириб кўрсатув берди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Б.С.нинг ўғирлик, яъни такроран ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси [REDACTED] билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси [REDACTED] “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги Қарорининг 2-бандида жиноятлар мажмуи ва такроранлиги тариқасидаги бир неча жиноят учун умумий белги - шахснинг бу жиноятлардан бирортаси учун ҳам судланган бўлмаслигидир” деб тушунтириш берилган.

Судда аниқланган ҳолатлар ва иш ҳужжатларига кўра, судланувчи Б.С.га нисбатан муқаддам содир этган ўғирлик жинояти учун жиноят ишлари бўйича [REDACTED] судининг [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг [REDACTED] ишлари жазоси тайинланган.

Судланувчи Б.С. томонидан юқоридаги суд ҳукми эълон қилинмасдан олдин, такроран ўғирлик жинояти содир қилган, яъни [REDACTED] куни таниши У.Х. ва Р.М.лар ухлаб қолганлигидан фойдаланиб, шу ерда турган У.Х.га тегишли бўлган [REDACTED] аппаратини яширин равишда талон-торож қилган.

Бундан ташқари, суд дастлабки тергов орган томонидан судланувчи Б.С.нинг [REDACTED] куни У.Хнинг [REDACTED] едини ҳамда Р.М.нинг [REDACTED] ўғирлаганлик айб эпизодларини бир бирга нисбатан такрорийлик белгиси нотўғри қўйилган деб ҳисоблаб, унинг ушбу қилмишини умумий қасд билан камраб олинган ҳамда ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи давомли жиноят деб топишни лозим топади.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 32-моддасига кўра, умумий қасд билан камраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир неча жиноий қилмишлардан иборат бўлган (давомли) жиноят такроран содир этилган деб топилмаслиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси [REDACTED] “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги Қарорининг 4-бандида “жиноятлар такроранлигини бир қатор айнан ўхшаш хатти-ҳаракатлар билан турли вақтларда содир этилган бўлса-да, бироқ ягона қасд билан камраб олинган, объекти ва содир этиш усули, оқибатлари бир хиллиги жиҳатидан ўзаро ўхшаш давомли жиноятдан фарқлаш лозим. Бундай ҳолларда барча қилмиш Жиноят кодексининг мазкур жиноятни содир этганлик учун



жавобгарликни назарда тутувчи битта моддаси ёки моддаси қисми билан квалификация қилиниши лозим”лиги қайд этиб ўтилган.

Суд, судланувчи Б.С.га нисбатан жазо тайинлашда, амалдаги қонун талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан берилган тушунтиришларга қатъий амал қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси

“Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1-бандида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши ҳақида; 3-бандида, жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида;

Олий суд Пленумининг “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида, судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жиноят қонунининг асосий принципларидан бири инсонпарварлик принципи эканлигига ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилиши, судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи Б.С.га жазо тайинлашда судланувчининг айбига қисман иқдорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, етказилган зарарларни қопланганлигини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини инобатга олишни лозим деб топди.

Суд, судланувчи Б.С.га нисбатан жазо тайинлашда, унинг шахсини, айбига қисман иқдорлигини ва қилмишидан пушаймонлигини, етказилган зарарлар тўлиқ қопланганини жиной қилмишини ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси қўллаб, айбли деб топилган модда санкциясида назарда тутилган жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроқ жазо тайинлашни, шунингдек жиноят ишлари бўйича судининг ҳукмига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖК билан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси муддатини тартибда, мазкур ҳукм юзасидан тайинланган жазога қисман қўшиш йўли билан жазо тайинлашни топади.



Чунки, Ўзбекистон Республикаси

“Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш”ги 1-сонли қарорининг 37-бандида, судлар нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозимлиги;

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкинлиги (масалан, моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа ҳилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.) қайд қилинган.

Шунингдек, суд Б.С.га жазо тайинлашда, унинг жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атворини инобатга олиб, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тури тайинланган тақдирда келгусида яна жиноят содир қилишга мойиллиги борлигини инобатга олишни лозим топади.

Ашёвий далил деб эътироф этилган, 1 дона [ ] қонуний эгаси У.Хга ҳамда [ ] аппарати қонуний эгаси Р.М.ага тилхат орқали қайтарилгани ҳамда жабрланувчиларга етказилган зарарлар қоплангани инобатга олишни лозим топади.

Шу билан бирга суд, жабрланувчи ва бошқа манфаатдор тарафларга жиноят натижасида бошқа моддий ва маънавий зарарлар етказилган бўлса, судланувчидан фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида ундириб олиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси

[ ] амал қилиб, суд

### **Ҳ У К М Қ И Л А Д И:**

Судланувчи С.Б.Ю. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг [ ] назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи С.Б.Ю.га Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг [ ]

[ ] қилиш жазоси тайинлансин.



Судланувчи Б.С.га тайинланган [REDACTED] қилиш жазосига, жиноят ишлари бўйича [REDACTED] ги ЖКнинг [REDACTED] билан тайинганлан [REDACTED] даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда [REDACTED] муддатга [REDACTED] жазосини Ўзбекистон Республикаси ЖК тартибида қисман қўшиб, узил-кесил [REDACTED] тайинлансин.

Жазони [REDACTED] ўташ белгилансин.

Жазони ўташ муддати [REDACTED] кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Б.С.га нисбатан қўлланилган [REDACTED] эҳтиёт чораси ўзгаришсиз қолдирилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган, 1 дона [REDACTED] конуний эгаси У.Хга ҳамда [REDACTED] конуний эгаси Р.М.ага тилхат орқали қайтарилгани ҳамда жабрланувчиларга етказилган зарарлар қоплангани инобатга олинсин.

Жабрланувчи ва бошқа манфаатдор тарафларга жиноят натижасида бошқа моддий ва маънавий зарарлар етказилган бўлса, судланувчидан фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида ундириб олиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нухасини олган кундан эътиборан йигирма сутка ичида шу суд орқали [REDACTED] судига апелляция тартибида шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақли.

**Раислик қилувчи судья**

**Д.Н.**

